Буюк ўзбек олими Абу Райхон Беруний (973—1048) ўз даври такозосига кўра асарларини араб тилида битган. Берунийнинг биринчи йирик асари «Кадимги халклардан колган ёдгорликлар» китобидир. Асарнинг арабча номи «Ал-осор ал-бокия ан-курун ал-холия» бўлиб, Европада «Хронология», ўзбек шаркшунослигида «Осор ал-бокия» номи билан машхурдир. Беруний «Осор ал-бокия»ни мухожирлик даврида ёза бошлаган ва милодий 1000 йили ёзиб тамомлаган. Бу асар катта шухрат козониб, Беруний 27 ёшидаёк йирик олим сифатида эътироф этилди. «Осор ал-бокия»нинг «Пайгамбарлик даъво килган кишилар ва уларнинг алданган умматлари — уларга оламлар эгасининг лаънати бўлсин — тарихлари устида сўз» бобида исломдан олдинги замонлар ва ислом даврида пайгамбарлик ёки худолик даъво килган кишилар хакида маълумот берилган. Асарнинг Муканнага багишланган кисми кискача. Чунки Беруний Муканна ва унинг тарафдорлари хакидаги батафсил маълумотларни бундан олдин ёзилган «Ок кийимлилар ва карматийлар хакида хабарлар» китобида баён этганини таъкидлайди. Афсуски, бу асар бизгача етиб келмаган.

Абу Райхон Берунийнинг «Кадимги халклардан колган ёдгорликлар» асари арабшунос олим Абдуфаттох Расулов томонидан ўзбек тилига таржима килиниб, 1968 йилда Тошкентда «Фан» нашриётида чоп этилган. Куйида келтирилган парча мазкур нашрдан олинди.

Абу Райхон Беруний «Кадимги халклардан колган ёдгорликлар»дан

Пайгамбарлик даъво килган кишилар ва уларнинг алданган умматлари — уларга оламлар эгасининг лаънати бўлсин — тарихлари устида сўз

... Ундан кейин Муканна номи билан машхур бўлган Хошим ибн Хаким Марвда Ковакимардон номли кишлокда юзага келди. У бир кўзли бўлганидан юзига кўк шойидан никоб тутган эди. Муканна ўзининг худо эканини даъво килди ва жасадга кирганини, чунки жасадга кирмасдан олдин биров унга карай олмаганини айтди. У Амударё оркали Кеш ва Насаф томонларига ўтди. Хоконга хат ёзиб, ундан ёрдам сўради, ок кийимлилар ва турклар унинг атрофига йигилдилар, Муканна уларга (бошкаларнинг) моллари ва хотинларини халол килди, каршилик кўрсатганларни ўлдирди ва Маздакнинг барча (йўл-йўригини) уларга конун килиб берди, ал-Махдий кўшинини синдирди ва ўн тўрт йил хукмронлик килди. Нихоят у хижрий бир юз олтмиш тўккизинчи йили камал килинди ва ўлдирилди.

Муканна ўраб олингач, жасади йўк бўлиб кетиши ва тобелари унинг (юкоридаги) гапига ишонишлари учун ўзини оловга ташлаган эди. Унинг куяману йўк бўлиб кетаман (деган) мўлжали муяссар бўлмади, балки (унинг жасади) танурдан топилди. Унинг калласи олиниб, ўша кунларда Халабда бўлган амир ал-мўъминин ал-Махдийга юборилди.

Муканнанинг Мовароуннахрдаги тобелари кўринишда ислом динида бўлсалар хам, аммо яширин равишда унинг динига амал киладилар. Унинг хакидаги хабарларни форсчадан арабчага таржима килдим ва уларни «Ок кийимлилар ва карматийлар хакида хабарлар»

(номли) китобимда тўла баён этдим.

"Муканна" китобидан